



## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Navoiysh., IslomKarimovsh.k 77 A**

2021 - yil 7 - sentabr

46-5-0-Q/21

Navoiy viloyat hokimligi

### **Навоий вилояти ҳокимлиги тузилмасида коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбасини ташқил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони, “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори, вилоят ҳокимининг 2021 йил 10 июлдаги 20-5-0-9/21-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йил 26 июлдаги 01-07/5254-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори билан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Вилоят ҳокимлиги тузилмасида бир штат бирлигидан иборат Навоий вилояти ҳокимлиги Ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси биринчи тоифали мутахассиси вакант

лавозимини қисқартириш ҳисобига бир штат бирлигидан иборат Навоий вилояти ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири лавозими жорий этилсин.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб Навоий вилояти ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси фаолияти йўлга қўйилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ишлар бошқармаси (Шамшиев) вилоят молия бош бошқармаси (Очилов) билан биргаликда ўрнатилган тартиб ва муддатларда штатлар жадвалига ўзгартириш киритсин ва қайта тасдиқласин.

4. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи (Р.Хайдаров) 2021 йил 1 октябрга қадар Навоий вилояти ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири лавозимига белгиланган тартибда ходим тайинлаш чораларини кўрсин.

5. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги К-172-сон қарорининг 1-иловаси иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги "Бола хукуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6275-сон Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 40-5-0-Q/21-сон қарорининг 3-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.


Вилоят ҳокими



К.Турсунов

Навоий вилоят ҳокимининг  
2021 йил 7 сентябрдаги  
46-5-0-Q/21-сон қарорига  
1-илова

**Навоий вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**



\*Вилоят хокимлиги аппарати штат бирликлари сонига кўшилмайди.

**Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 62 нафар**